

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЯПОНИЯ БИЛАН ИПАКЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИНИ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИДАН

Азизов Сирож Шодманкулович

Ташқи Ишлар Вазирлиги, PhD

Тошкент Давлат Шарқшунослик Университети, мустақил изланувчи

[azizovs2016@gmail.com](mailto:azizovs2016@gmail.com)

### АННОТАЦИЯ:

В статье рассматривается проблема развития сотрудничества Узбекистана и Японии в области шелководства. Целью исследования является историческое описание стадий развития шелководства начиная с Туркестана до сегодняшнего Узбекистана, включая совместные проекты, реализованные со специалистами из Японии, которые в итоге оказали большое влияние на шелководство в целом. В результате исследования были следующие достижения: обмен теоретических разработок ученых Узбекистана на различных сортов шелковицы, а также лабораторного оборудования из Японии. В заключение, можно сказать, что в последующих 30 лет узбекско-японские шелководческие связи только усиливались, обменивая многочисленными делегациями и устанавливая контакты, послужили сотрудничеству между двумя странами.

**Ключевые слова:** шелководство, сельское хозяйство, кокон, сорт шелковицы (японские сорта), узбекско-японское сотрудничество в области шелкопряда, обмен ученых.

Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган минтақамизда ипакчилик қадимдан ривожланиб келган. Тадқиқотчиларнинг фикрича, Ўзбекистон худуди ҳам Хитой сингари ипакчиликнинг қадимий маконларидан ҳисобланади. Маҳаллий халқлар бундан 4000 йил илгари ипакчилик билан шуғулланганлиги қайд қилинади.

XX асрнинг 20-йилларида юз берган суронли воқеалар ва истилолар даҳшатини ўз бошидан кечирган Туркистон ўлкасида ипакчилик ҳам бошқа соҳалар қатори тушкун ҳолда бўлган.

Ўша пайтларда Шўролар давлати таркибига киритилган Ўзбекистонда ипакчилик қишлоқ хўжалигининг муҳим тармоғи сифатида кўрилиб, ипак хомашёси тўқимачилик, авиация, тиббиёт ва бошқа соҳалар учун зарур эди. Шу

сабабли ипакчиликни ўрганиш, тиклаш ва ривожлантиришга жиддий эътибор берила бошланди.

Тармоқни ривожлантириш мақсадида 1919 йилда Туркистон ипакчилик саноати бошқармаси (1923 йилдан “Туркшёлк” ҳиссадорлик жамияти) тузилди. Илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш ва хориждаги илғор тажрибаларни ўрганиш унинг вазифаларидан қилиб белгиланди.

Бу ишлар дастлаб Тошкент ипакчилик станциясида, 1927 йилда унинг асосида ташкил этилган Ўрта Осиё ипакчилик илмий-тадқиқот институтида (ЎОИИТИ, ҳозирги Ипакчилик илмий-тадқиқот институти) олиб борилди.

Шунингдек, Ўрта Осиё Давлат университетида (ҳозирги Ўзбекистон Милий университети) ипакчиликни илмий асосда ўрганиш амалга оширилди. 1920 йилдан университет қишлоқ хўжалиги факультетининг ипакчилик кафедраси ҳамда Ипакчилик институтида биология бўлимни мудири сифатида иш олиб борган профессор Э.Поярковнинг роли катта бўлди.

У собиқ СССРда биринчи бўлиб, 1921 йилда “Ипакчилик” курсини ишлаб чиқиб, маъruzалар ўқиган. Қатор хорижий тилларни билгани унга француз, немис, инглиз, япон ва итальян тилларидағи адабиётлар, илмий янгиликлар билан танишиш ипакчилик илмини замонавий йўналишга солиш имкониятини берди. Унинг ўша пайтларда илғор хорижий тажриба умумлаштирилган монографик тадқиқотлари - “Ипак қурти” (1929 йил), “Амалий ипакчилик” курси” (1930 йил) нашр қилинган.

Ўзбекистон ўзининг жуғрофий ўрнига кўра, Япониядан бошланиб, Италиягача ва Франциягача чўзилган ипакчилик минтақасида жойлашган. Шу сабабли 1920-йилларда ипакчилик соҳасини ривожлантириш учун дастлаб Италия, Франция, Туркия каби давлатлар тажрибасига эътибор қаратилган.

Хусусан пилла қуртини озуқа базаси - тутчиликни ривожлантириш йўлида француз тажрибаси, ипакни қайта ишлашда итальян техникаси қўлланиб келинди. Айни пайтда ушбу давлатлар иқтисодиётида ипакчилик қуртларни ихтисослаштирилмаган жойларда мавсумий бир марта боқиши ва экстенсив тутчиликка асосланган ёрдамчи тармоқ эди.

Шу муносабат билан истиқболли ҳамкор сифатида Япония ипакчилик илми ва амалиётини ўрганишга эътибор қаратилди. Бу давлатда ипакчилик соҳаси қишлоқ хўжалигининг қадимий тармоқларидан бўлиб келган. Муҳими япон ипакчилиги интенсив, яъни йил давомида пилла қуртини тақорорий боқишига ва бутасимон тутчиликка асослангани яхши самара берган эди.

“Туркшёлк” раиси М.Шпигель ёзган эди: “Япониянинг қандай қилиб бир неча ўн йиллар ичида қолоқ, осиёча мамлакат даражасидан биринчи даражали

европача давлатга айланишининг сири ипакчиликдадир. Япония ипакчиликни ривожлантиришни умуммиллий вазифа даражасига кўтариб, унинг ҳисобига мамлакат иқтисодий фаровонлигини таъминлади. Шунга кўра, Ўрта Осиё республикалари учун Япония тажрибаси ниҳоятда зарурдир”.

Ўша йилларда жаҳон бўйича Япония йилига кариб 400 минг тонна пилла етишираётган етакчи мамлакат эди. Қиёс учун: Италия 50 минг тонна, Франция ва бошқа мамлакатлар (Хитойдан ташқари) йилига 10 минг тоннагача пилла етиширган. Японияда, айниқса, 1870-1920 йилларда ипакчилик ва тутчиликда юксак тажрибалар ва бой илмий ютуқлар тўпланган эди. 600 минг гектар майдондаги тутзордан ҳосил олинар, 2 млн. оила иш билан таъминланиб ва ҳар йили 750 млн. иена (ўша давр нархида 700 млн. сўмга яқин) даромад килинарди.

Япон пилласи жаҳон ипак савдоси айланмасининг 80-85%ини ташкил этиб, катта таъсирга эга эди. 1929 йилда унинг экспорти 1 млрд. олтин пулига тенг бўлганди.

Бу ютуқларнинг заминида ипакчилик соҳасидаги илмий-текшириш ишларининг юксак ривожланиши турган эди. Илмий изланишлар учун кўп миқдорда маблағ сарфланган. Қатор илмий муассасаларда кўплаб ипакшунос олимлар иш олиб борган ва ипакчилик бўйича 7 минг жилдан иборат адабиёт яратилган. Япония айнан ипак етишириш масаласини ташкилий ҳолда умуммиллий вазифа даражасига олиб чиқиб, ўз иқтисодий фаровонлигини таъминлаган капиталистик давлат эди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон билан Япония ўртасидаги алоқалар 1920-йилларнинг охиридан ипакчилик соҳасида бошланади.

1930 йилда соҳа раҳбарлари ва тадқиқотчиларидан иборат гурӯҳ (М.Шпигель, Э.Поярков, Г.Покровский) Японияга илмий сафарда бўлиб, бу мамлакат Ўрмон ва дехқончилик вазирлиги тасарруфидаги ипакчилик муассасалари ва Токио Марказий ипакчилик тажриба станциясининг ҳудудий бўлимларида тажрибасини ўргандилар.

Ушбу сафар ўз натижаларига кўра, Ўзбекистон ва умуман собиқ СССР миқёсида ипакчиликда ижобий бурилишларга олиб келди. Ипак қурти озуқаси бўлган тутчиликда маданий ва юқори самарали япон навларини жорий этиш бошланди.

Япониядан ипакчиликка доир юзлаб китоблар келтирилган эди. Қатор тадқиқотчилар япон тилини мустақил равишда ўрганадилар. Бу манбалар билан бевосита танишуви оқибатида 1932 йилда М.Шпигель ва Г.Покровскийнинг “Япон ва Шўро ипакчилиги”, “Япония тутчилиги”, 1933 йилда Б.Астауровнинг

“Япония пилла уруғчилиги ва СССРда пилла уруғчилигининг вазифалари”, 1935 йилда А.Федоровнинг “Ўрта Осиёда япон тутлари”, 1936 йилда япон тутчилиги бўйича рефератив тўплам, 1938 йилда Ю.Бакулиннинг “Маданий тут навларига утиш тажрибаси” ва бошка қўплаб китоблар нашр этилади. 1940 йилда Э.Ф.Поярковнинг “Ипакчилик” китобида Япония пиллачилигининг амалий ва назарий масалалари умумлаштирилиб, Ўзбекистон ҳамда бутун СССРда бу соҳа ривожланишининг йўналишлари асослаб берилди.

Бу материаллардан ўша пайтларда СССРдаги ҳамма ипакчилик минтақаларининг ходимлари фойдаланган. Чунки Тошкентдаги Ипакчилик институти бутун собиқ Иттифоқ миқёсидаги даргоҳга айланиб, шу соҳадаги изланишларнинг ҳам назарий, ҳам амалий томонларини ишлаб чиқаётган эди.

Мазкур тадқиқотларнинг салмоғини ошириш учун Россиянинг Узоқ Шарқ худудидан миллати япон бўлган фуқаролар Т.Кавасаки ва Д.Тихай таржимон сифатида Ўзбекистонга олиб келинади. Улар Ипакчилик институтида қўплаб маҳсус адабиётларни япон тилидан рус тилига таржима билан шуғулланадилар. Лекин бунда жараён япон таржимонларнинг катағон этилиши сабабли маромига етказилмай колиб кетади.

ЎОИИТИ ходимлари 1930 йилда Япониядан келтирилган 10 хил навдан иборат 1000 дона бир йиллик тут қўчатларини ўрганиш ва Ўзбекистон шароитига мослаштириш бўйича ишлар олиб бордилар. Кейинги йили яна Кунчиқар мамлакатдаги 400 хил тутнинг энг асл 33 навидан келтирилган намуналаридан Институтда тажриба ўтказиш учун коллекция ташкил килинди. Бу навлар асосан пайвандлаб қўпайтиришга мўлжалланган эди.

Япон навлари Фарғона, Хўжабод, Шахрисабз, Жарқўрғондаги маҳсус тутчилик хўжаликлариға синаш учун юборилади. Уларнинг маълум қисми Туркманистон - Геок-Тепада, Тожикистон - Хўжандда, Қирғизистон - Фрунзе ва Ўшда ҳам тажрибадан ўтказилади. Тошкентда ипакчилик институтининг Жарариқ тажриба хўжалигида япон тутлари проф. А.Федоров раҳбарлигига синовдан ўтказилди. Дастребки натижаларга кўра, япон тутлари маҳаллий хасак тут навидан 2-3 марта кўпроқ ҳосилдорлиги аниқланди.

Шундай қилиб, юқоридаги япон навлари 1931, 1932, 1933 йилларда ўтказилган тажрибаларга кўра, ўсиши, мослашуви ва ҳосилдорлиги бўйича 1930-йилларнинг ярмидан кенг миқёсда қўллашга тавсия этилди.

Айтиш лозимки, маҳаллий тутчилик соҳасида япон маданий навларини жорий килиш жараёни бир текис кечмади. Унинг қатор мухолифлари ҳам бор эди. Ўша даврдаги қатағонлар доирасида Ўзбекистонга келтирилган япон навларидан юқумли касалликлар тарқалганлиги ҳалқ хўжалигидаги

қўпорувчилик деб ҳисобланиб, бир қатор йирик олимлар қатағон килинади. Э.Поярков 1934-36 йилларда Япония жосуси сифатида айбланиб қамоқда ушлаб турилди.

Ўша йилларда қишлоқ хўжалиги экинларининг ўта хавфли зараркунандаси бўлган комсток куртининг тарқалишига ҳам Япониядан келтирилган тут қаламчалари сабаб деб тахмин килинганди. Кўпчилик олимларнинг фикрича, тутчиликни тезроқ ривожлантириш ва касалликларга қарши кураш тажрибалари йўқлиги ҳамда келтирилган маданий навларнинг парвариши ҳам талабга жавоб беролмагани юқоридаги ходисаларга асосий сабаб эди..

1932 йилда Ўзбекистон Халқ Комиссарлар Совети “Янги типдаги бута ва баланд танали тутзорларни ривожлантириш” ҳақида қарор қабул қиласди. ЎОИТИнинг олимлари олдига пиллачиликни ривожлантиришдаги илмий фаолиятларини кенгайтириш вазифалари юклатилади. Шундан бошлаб, тутзорларни кенгайтириш илмий асосда ташкил этиладиган бўлди. Японияда тутларни вегетатив купайтириш, пайвандлаш ва пархиш қилишнинг усуллари такомиллаштирилиб, бир-икки йил ичida ҳосил берувчи тутзорларни яратиш қўлланилди.

Гарчи Ўзбекистон ҳудудида юқоридаги усуллар қадимдан ишлатилса-да, асосан мевали тутларда самарали эди. Пилла озуқаси учун тут навлари кўпроқ уруғдан кўпайтирилган. Вегетатив купайтиришнинг замонавий япон тажрибаси асосида ўлкада хориждан келтирилган ва ўзимизда этиштирилган маданий навлар муваффақиятли кўпайтирилди. Айниқса, бу иш Фаргона тут кўчатхонасида катта миқёсда кўпайтирилиб, нафақат Ўрта Осиё республикалари, балки СССРнинг бошқа минтақалари учун ҳам маданий япон навлари етказиб берди.

Ўзбекистонда 1930-йиллар давомида маҳаллий хасак туини келтирилган маданий навлар билан чатишириш натижасида сербарг ва тўйимли, касалликларга ҳамда совукқа чидамли ўнлаб дурагай навлар яратилди. Улардан кенг тарқалгани “Ғалаба”, “САНИИШ-14”, “Ўзбек” ва бошқа навлардир. Ҳосилдор дурагайларни яратиш жараёнида Ипакчилик институтининг коллекциясидаги асл япон навлари ҳал қилувчи аҳамият касб этган.

1930-йилларда ипакчилик олдидағи долзарб вазифалардан яна бири зотлар ва уларнинг дурагайларини яратиш, ҳосилдорликни яхшилаш ва технологик хусусиятларни бир неча фоизга ошириш имконини берар эди. Японияда пилла уруғчилигини ташкил этишнинг юксак амалий натижалари Ўзбекистон учун муҳим эди.

1931 йилда Ипакчилик институтига Кунчикар мамлакатдан 30 дан ортиқ зот ва дурагайлардан иборат пилла коллекцияси келтирилади. Пилла қурти уруғининг япон саноатлашган зотлари билан дурагайлаштирилиши наслчиликни ижобий томонга ўзгартирди. Ушбу жараён 1930-йилларнинг ярмидан бошланиб, пировардида, пилланинг технологик кўрсатгичларидан бири, яъни, ипакчилиги 16-17% га кўтарилади, зотларнинг ипак маҳсулдорлиги эса 43-48% га ошди. Пилла етиштириш - 1933 йилда 8240 тоннадан 1938 йилга келиб деярли 12000 тоннага чиқди. Дурагайлашни муваффақиятли олиб бориш натижасида Ўзбекистон бўйича йилига 2 млн. сум қўшимча даромад олишга эришилди.

Бундан ташқари, Ипакчилик институтининг технологик секторида ипакни қайта ишлаш учун қўлланиладиган ускуна ва аппаратлар атрофлича ўрганилди. 1931 йилда Япониядан ипак йигириувчи “Канэбо” машинаси, пиллани жинси бўйича сараловчи “Ода” ва бошқа хилдаги аппаратлар институтга келтирилади.

“Канэбо”нинг ишлаш параметрлари кенг ўрганилиб, ундан янги машиналар яратишда фойдаланадилар. “Ода” машинаси ўзининг арzonлиги, тежамлилиги, юқори техник кўрсатгичлари ва ишчи кучи сарфини анча камайтириши билан ҳам итальян турдош машинаси - “Гильярди” ва “Батталия”дан устун эди. Унда бир иш куни мобайнида 80-88 килограмм пилла сараланиб, малакасиз ишчи ҳам бошқара оларди.

Шу билан бирга япон технологиясини ипакчиликда жорий этилишига осонликча эришилгани йўқ. Дастрраб собиқ Иттифоқ миқёсидаги мутасадди ташкилотларнинг ижобий жавобини олиш зарур бўлди. 1930 йил 18 февралда СССР Ипакчилик саноати Илмий-техник кенгашининг Пленумида “Туркшелк” бошқарувининг аъзоси М.Юровецкий “Итальян ёки япон пилла йигириш технологияси Иттифоқ ипакчилик беш йиллигининг техникавий асоси бўлиши лозим” мавзусида маъруза қилди.

Пленум маърузачи фикрига кўшилиб, Японияда ипак йигириув ишини юксак даражада ривожланганлигини ҳисобга олиб, уни ўрганиш борасида 1) ипак ишлаб чиқаришни чукур ўрганиш учун Японияга дарҳол 2-3 мутахассис сафарга юбориш; 2) Япониядан инженер, техник, ўз ишини пухта билувчи ходимларни СССР ипак ишлаб чиқариш саноатини реконструкция қилиш ишига таклиф этиш; 3) Япониянинг таниқли инженерларига намуна лойиҳасини яратиб беришга буюртма килиш вазифаларини белгилаб берди. Япон технологиясини ўрганиш ва жорий этишга 200 минг сўм ҳамда турли ускуналар импорт қилиш учун 100 минг сум миқдорда маблағ ажратилди.

1936 йилда “Ямато Санко Сэйсакусио” фирмасидан пилла қуритиш ускунаси патентланиб келтирилди. Ушбу машина Ўзбекистон ипакчилигининг марказларидан бўлган Марғилондаги фабрикага ўрнатилди ва 1990 йиллар бошида ҳам ишлатиб келинган. Фабрика 1942 йилда Ипак комбинатига - Бутуниттифоқ аҳамиятига молик ягона корхонага айланган эди.

Маълумки, 1920-йилларнинг охиригача сибиқ СССРда асосан, янги иқтисодий сиёсатга (НЭП) амал қилиб келинган. “Туркшелк”нинг хорижий мамлакатлар, биринчи навбатда Япония билан ҳам алоқаларга айнан янги иқтисодий сиёсат даврида замин тайёрланган эди. Бундан кейинги йилларда Шўро давлатининг нафақат сиёсий, балки иқтисодий ҳаётида ҳам маъмурий-буйруқбозлик тизими мустаҳкам қарор топади. Мамлакатдаги қўшма корхоналар, ҳиссадорлик жамиятларини тугатиш бошланади. “Туркшёлк” ҳиссадорлик жамияти эса 1933 йилда тугатилиб, унинг вазифалари Ўрта Осиёдаги номигагина мустақил бўлган миллий республикаларнинг ипак бирлашмалари тасарруфига ўтказилди.

Иккинчи жаҳон уруши туфайли 10 йил давомидаги узилишдан сўнг шўро-япон ипакчилик алоқалари давом эттирилди. 1946 йилда Н.Стройчук бошчилигида бир гурух ўзбекистонлик мутахассислар Японияга илмий сафарга бордилар. Улар хориж томони билан ипакни қайта ишлаш, курт зотини яхшилаш, тутчилик масалалари бўйича тажриба алмашдилар.

Албатта, бу пайтга келиб ўзбек ипакчилиги ҳам японларни қизиқтирадиган даражада натижаларга эришган эди. Масалан, Э.Поярков 1939 йилда пилла қуртини юқори ҳароратда ушлаб туриб, пебрина касаллигидан сақлаб қолиш бўйича йирик кашфиёт қилди. Мазкур кашфиёт биометод номини олган. Биометод қурт уруғи ишлаб чиқаришнинг янги илғор технологияси сари катта қадам бўлиб, уруғ тайёрлашда харажатни 5 баробар, таннархини 35-40 %га камайтириди.

Ўша йили Япониядан 25 хилда пилла зотлари келтирилди. Япон оқ пилла зотлари иштирокида саноат учун зарур бир нечта дурагай зотлар яратилади. Чунончи, 1947 йилда иш бошлаган Самарқанд пилла уруғчилиги станциясида “Бивольтин”, “Совет I”, “Асколи” ва бошқа оқ пилла зотлари синовдан ўтказилиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Бу пиллачиликда иккинчи насл алмаштириш бўлса, учинчи алмаштириш мобайнида эса 1948 йилдан ҳосилдор “Оқ ипак 2” (Япон 115) ва яна иккита япон нави устидан тажрибалар ўтказилиб, 1950-йиллардан кенг миқёсда кўпайтирилади.

Кейинги йилларда яратилган асосий пилла зотларида Япониядан келтирилган навларнинг қони мавжуд бўлади. Оқ пилла дурагайларига ўтиш республикада пилла ипакдорлигини 18-22%гача ўсишга имкон берди.

1960-йилларда ўзбек-япон ипакчилари ҳамкорлиги айтиш мумкинки, янги босқичга кўтарилди. Бу йилларда кўп марта делегациялар алмашинди. 1965 йилда Ўрта Осиё Ипакчилик илмий-тадқикот институти катта илмий ходими М.Нуъмонов, озарбайжонлик Р.А.Гусейнов ва таржимондан иборат делегация Япониянинг Токио, Гумма, Нагано, Киото, Сайтама ва Канагава префектураларида икки ой бўлиб, селекция ва уруғчилик ишлари, тутчилик ва қурт боқиши масалаларини ўргандилар.

Дарҳақиқат, Тошкентдаги Ипакчилик институтининг М.Нуъмонов раҳбарлик қилган изотоп лабораториясида селекция соҳасида радионурлаш усулини қўлаш, ипак қуртини уруғдалик босқичидаёқ жинси бўйича маҳсулдор зотларини етиштириш, Р-32 фосфорнинг нишонли атомлари ёрдамида тутларни минерал озиқлантириш ва бошқа ишлар япониялик мутахассислар учун жиддий янгилик эди.

М.Нуъмонов Мацумотодаги Синсу университети ипакчилик факультетининг профессори Морахаси билан катор муаммолар бўйича ҳамкорлик қилиб туришга келишади.

Ушбу хизмат сафари илғор япон ютуқлари билан танишишдан ташқари ўзбек ипакчилигининг ҳолатини бошқа жойлардаги шароитлар билан қиёслаш имкониятини ҳам берди. Масалан, Ўзбекистонда ипак қуртларини ilk ёшларида умумлаштириб боқиши анча илгари йўлга қўйилганди. Японияда эса бу замонавий ва самарали усулга 1960-йилларнинг ўрталаридан ўтилган эди.

Ўз навбатида япон илмий-тадқикот даргоҳларидаги жиҳозланиш, уруғнаслчиликда олиб борилаётган ишлар ўзбек олимлари учун ўрганилиши ва ижодий қўлланилиши лозим эди.

Ипакшунос ўзбек олимининг биринчи марта Японияда сафарда бўлиши японларнинг халқимиз бой анъаналари ва ютуқлари тўғрисидаги билимларини янада кенгайтирди. Мазкур сафар ҳакида Японияда чиқадиган йирик умуммиллий газеталарда мақолалар босилди. Жумладан, Асахи газетаси 1965 йил 9 сентябрдаги сонида ипакчиликда 30 йилдан ортиқ вақт давом этиб келаётган алоқаларни самарали эканлигини ёзган эди.

Япониянинг саноат ва илмий-техник жиҳатдан юксак даражада ривожланганлиги ипакчиликнинг айниқса, сермеҳнат тармоқларида кенг миқёсда замонавий ускуналарни жорий этиш имконини берган эди. Куртларни кичик ёшларида марказлаштириб боқиши усулиниң жорий қилингани ҳамда

кенг миқёсда янги технологияларни қўллаш ҳам ўз ижобий таъсирини кўрсатмоқда эди. Ипакшуносалар фикрича, бу усул Тошкентда 1930-йиллардаёқ синаб кўрилган бўлса-да, унинг маҳсулот ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши моддий, ташкилий ва ҳатто психологик сабабларга қўра содир бўлмади.

Япон пиллачилигида қуртларни ипак ўраш маҳалида картон ва синтетик материаллардан қилинган мосламалар қўллашга тўла ўтилган бўлиб, тайёр пиллани сақлаш ва зарур бўлганда ажратиб олиш таъминланган эди. Бунинг натижасида пилла ўраш маҳалидаги ҳаражати умумий ҳаражати 10%гача камайди. Ўзбекистонда ҳозир ҳам ипак ўраш маҳалида асосан турли ўсимликларнинг пояларидан фойдаланилади. Бу эса ўз навбатида иш жараёнларига кўп меҳнат сарф этилиши ва пилла сифатини сезиларли пасайишига олиб келган.

1971 йилда “Япония-СССР” жамияти йўли билан Ўзбекистонга келган Маэбаси шаҳар қишлоқ хўжалиги комиссияси аъзоси М.Масои маҳаллий олимлар билан илмий алоқалар ўрнатди. Япония томони ҳар йили 2 узбекистонлик мутахассисни барча ҳаражатларини кўтарган ҳолда малака оширишига тайёрлигини билдириди.

Ўзбек ипакшунослари бу таклифдан факат 1975 йилга келиб фойдалана олдилар. Сентябрь-октябрь ойларида Ўрта Осиё ипакчилик институти лаборатория мудири У.Насириллаев ва “Шелк” ихтисослашган бюроси раҳбари Р.Муҳаммаджонов Японияда илмий сафарда бўлишиди. Улар Токио, Уэда, Мацумото, Киото шаҳарларидаги пилла қурти уруғчилиги заводлари, селекция маркази, илмий-текшириш даргоҳлари ва ипак йигириув фабрикаларида олиб борилаётган ишлар билан танишдилар. Япон мутахассислари билан пилла қурти селекцияси ва патологияси, уруҳ ишлаб чиқариш, пиллани дастлабки қайта ишланиши масалалари, шунингдек, озуклантиришдаги сермеҳнат ишларни механизациялаштириш борасида фикрлар алмашдилар. Жумладан, Токио университети ипакчилик лабораторияси олимлари Н.Йошитаке ва Х.Ватанабэ билан У.Насириллаев ҳамкорлик алокаларини ўрнатди.

Ўзбекистон селекциячиларининг ютуқлари япон тадқиқотчиларида жиддий қизиқиш ўйғотди. Дарҳақиқат, ўзбекистонлик ипакшуносалар пилла қуртининг жинслари ўртасидаги мувозанатни суный йўл билан белгилаш ва ферментлар яратиш каби истиқболли йўналишларда япон ҳамкасларидан анча илғор ҳолатда эди. Профессорлар У.Насириллаев ва В.Струнников мувозанатлаштирияган литая усулини кашф килдилар. Пилла қуртининг эркак жинси урғочисига нисбатан 20-30% кўп тола чиқариши маълум. Литая усулига қўра, маҳсус нурлар таъсирида кам ҳосил берадиган барча урғочи қуртлар

уругдалиқ даврида ёк ўлдирилади. Шу йўл билан умумий ҳосилдорликни кўп баравар оширишга эришилади. Бу усул муаллифларига 1981 йилда СССР Давлат мукофоти берилган эди.

Ўзбек ва япон ипакчиларининг алоқаларида пилла қуртини сунъий озиқлантириш муаммолари мухим ўрин тутди. Япония олимлари тадқиқотлар ўтказиб сунъий озуқани кенг қўллаш туфайли меҳнат харажатларини 30% га камайтиришга эришган эдилар.

Улар билан ҳамкорликда Тошкентдаги Ипакчилик институтининг биотехнология лабораториясида сунъий озуқа тайёрлаш соҳасида жиддий ишлар олиб борилди. 1980-йиллар ўрталарига келиб, институтнинг биотехнология лабораториясида япон стандарти даражаларидан кам бўлмаган сунъий озуқа яратилди. Космосга олиб чиқилган пилла қуртларини ўзбек олимлари яратган сунъий модда билан озиқлантирилганида ҳам яхши натижалар олинди. Бу биология фанида фундаментал вазифаларни ечишдаги дадил қадам бўлиб, қатор йўналишларни очишга имкон беради.

1970-80-йилларда пилла етиштиришда Ўзбекистон жаҳонда етакчи ўринларда турган бўлса-да (йилига 23 минг тонна), лекин олинган маҳсулотнинг салмоғи ва сифати ўртасида катта тафовут бўлган. Масалан, Японияда етиштирилган пилланинг 17,6% и олий, қолгани эса I ва II навлардан иборат бўлса, Ўзбекистонда эса пилла асосан II ва III навларда (84%), фақатгина 16%га яқин олий ва I навларни ташкил этган. Бу эса ҳосилни сифатини белгилашда япон ипакчилигида қабул қилинган ёндашувларни қабул қилишни зарур этиб қўйди.

Япон ипакшунослари билан алоқаларни ривожланишида “Шелк” (Ипак) журналининг ҳам ўрни бўлди. Журналга узоқ йиллар таниқли ипакшунос профессор Е.Михайлов мұхаррирлик қилиб келган. Олим япон тилини пухта билганлиги учун Кунчиқар мамлакат ипакчилирининг ютуқлари билан бевосита танишиб, уларни муңтазам эъдон қилиб борди. “Шелк” мұхарририятига Японияда чиқадиган кўплаб илмий-техникавий нашрлар - “Нихон сансигаку дзассу”, “Кину”, “Гlorия” ва бошқа журналлар муңтазам келиб туради.

Қарийб 100 аввал тадқиқотчilar ўртасида бошланган ўзбек-япон алоқалари ипакчиликнинг кўп йўналишларини қамраб олди. Бу алоқалар икки томон учун ҳам манфаатли бўлган. Дастрлаб, японлар учун Ўзбекистондаги ипакчи олимларнинг назарий ишланмалари эътиборли бўлса, Кунчиқар мамлакатдан келтирилган маданий тут навлари, маҳсулдор қурт зотлари ва

лаборатория ускуналаридан фойдаланиш ўлкамизда ипакчиликни замонавий даражага кўтаришда амалий аҳамият касб этди.

Албатта, ипакчилик соҳасидаги узоқ йиллик алоқалар шўро-япон муносабатлари доирасида амалга оширилиб, айтиш мумкинки, бу ўз даврида харбий аҳамиятга эга маҳсулот – ипак ишлаб чиқаришни собиқ Иттифоқ манфаатлари учун кўпайтиришни кўзлаб мустамлакачилик сиёсати талабларига бўйсундирилган эди.

## АДАБИЁТ ВА МАНБАЛАР

1. Абдуллаев У. Тутчилик. Т., “Меҳнат”. 1991. 11 б.
2. Аскаров А. Древнеземледельческая культура эпохи бронзы юга Узбекистана. Т. 1977. С. 125.
3. Бакулин И., Тиашкевич Л. Опыт перехода на культурные сорта шелковицы. Т., 1938. С.11.
4. Ипакчилик институти архиви. Курт уруғчилиги бўйича Ўрта Осиё биринчи кенгашининг материаллари. 18.02.1932 й.
5. Ипакчилик институти архиви, Э.Ф.Поярков иши.
6. Ипакчилик институти архиви 1975 й. хисоботидан.
7. Ипакчилик институти жорий архиви материаллари. 1980 й.
8. “Ипак” журнали таҳририяти материаллари. 1993 й.
9. “За реконструкцию шелководства”. М., 1931. №3-4, С.41.
10. Маркарян С.Б. Научно-технический прогресс в сельском хозяйстве Японии. М, 1977. С.174.
11. “Народное слово”. 3 июля 1993 г.
12. Нуманов М.Э. Шелководство в Японии. М., 1966, С. 17.
13. “Племенное шелководство в Японии и задачи шелководства в СССР”. М., 1933. С.5.
14. Республика “Ипак” ишлаб чиқариш бирлашмаси архиви материаллари. I960й.
15. Симпозиум по шелководству (обзор), Токио, 1984, С.49.
16. “Современное состояние шелководство в Японии”. Т. 1977. С.2.
17. “Субтропические культуры в Средней Азии”. Т., 1935. С. 265.
18. “40 лет САНИИШ, Т., 1967. С. 17.
19. Тожиев Э. Ўзбекистонда ипакчиликнинг ривожланиши. Т., 1981. 8 б.
20. “Шелк”, 1931, № I, С.77.
21. “Шелковая промышленность СССР”. М., 1930, С.74, 98.
22. “Шелк Узбекистана”. Т., Узбекистан, 197I. С. 60

23. “Шелк”. 1991. № 5. С.2
24. “Ўзбекистон ишбилармон хамкори”. 1993 й. 3-сон, март.
- 25.ЎзРМДА, 2661 ф, I р, 328 иш, 7 в.
26. ЎзРМДА, 27 ф. I р. 1462 иш, 2 в.
- 27.ЎзРМДА, 123 ф. I р. 289 иш. 18 в.
28. ЎзРМДА, 132 ф, 548 иш, 1 в.